VII. ХИЗМАТЛАР

Ҳозирги вақтда хизматлар соҳаси ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ўзбекистонда учламчи сектор, баъзан хизматлар соҳаси шундай аталади, мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади.

2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, 20,9 мингдан ортиқ фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлардан, хизматлар соҳасида 13,2 мингга яқин корхона ва ташкилотлар жалб қилинган.

2019 йил 1 январь ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва корхоналар умумий сонининг 8,6 мингга яқин корхоналар ва ташкилотлар кичик бизнес субъектларини ташкил этади. 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, уларнинг улуши 65,2 % ташкил этди.

2019 йил 1 январь ҳолатига хизматлар соҳасига жалб қилинган, кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши, %



2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибида савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар улуши (36,1 %) юқори.

Яқин ва узоқ хориж мамлакатлар билан, шунингдек туризм соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларини кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар сонининг ўсишига таъсир кўрсатди. Уларнинг улуши 6,5 % ни ташкил этди.

Ташиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланувчи фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар умумий сонидаги улуши 5,8 % ни ташкил этди. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида хизмат кўрсатувчи фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши 3,7 % ни ташкил этди.

2019 йил 1 январь ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, (фоизда)

(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Ахборот ва алоқа хизматлари соҳасида хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг улуши 1,8 % ни ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 6975,9 млрд. сўмга тенг бўлди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 107,2 % ни ташкил этди.

Кўрсатилган бозор хизматларнинг таркибида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимлаганда бўлган савдо хизматларига (33,5 %), транспорт хизматларига (23,1 %), молиявий хизматларга (11,3 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматларига (6,1 %) юқори улушлар кетма-кетлиги кузатилди.

2018 йил январь-декабрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари таркиби, %

2018 йил январь-декабрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ўтган йилга нисбатан 1,1 трлн. сўмга ошди. Жорий йилнинг олдинги (2018 йил январь-ноябрь ойлари) даврига нисбатан хизматлар ҳажми 0,6 трлн. сўмга кўпайди.

2018 йил январь-декабрда айрим хизмат турлари ҳажмининг таққосланиши, млрд. сўм



Жорий йилнинг олдинги даврига нисбатан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ўсишига савдо хизматлари (204,5 млрд. сўмга), транспорт хизматлари (157,4 млрд. сўмга), молиявий хизматлар (81,4 млрд. сўмга) ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш (37,7 млрд. сўмга) каби хизматлар ҳажмининг ошиши асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Маълумот учун: *2017 йилнинг мос даврида савдо хизматлари – 1925,4 млрд. сўм, транспорт хизматлари – 1508,4 млрд. сўм, молиявий хизматлар – 554,1 млрд. сўм, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 372,8 млрд. сўмни ташкил этган.*

2018 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган хизматларнинг асосий кўрсаткичлари

	Ҳажми, млрд. сўм	Ўтган йилга нисбатон ўсиш суръати, %
Хизматлар – жами	**6975,9**	**107,2**
шу жумладан:		
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	426,1	112,9
молиявий хизматлар	787,4	127,3
транспорт хизматлари	1608,9	102,9
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	1534,7	101,7
яшаш ва овқатланиш хизматлари	220,8	106,4
савдо хизматлари	2337,0	102,4
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	226,9	101,6
таълим соҳасидаги хизматлар	227,8	127,6
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	75,0	109,1
ижара хизматлари	197,7	111,4
компютерлар ва ма’иший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	256,5	102,3
шахсий хизматлар	262,9	102,2
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	76,7	138,3
бошқа хизматлар	272,2	109,0

Энг юқори ўсиш суръатлари меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (138,3 %), таълим соҳасидаги хизматлар (127,6 %), молиявий хизматлар (127,3 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (112,9 %), ижара хизматлари (111,4 %) каби хизмат турларида қайд этилди.

2018 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръати, %



Нисбатан пастроқ ўсиш суръатлари кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар (101,6 %), шахсий хизматлар (102,2 %) ва компютерларни та’мирлаш бўйича хизматлар (102,3 %) каби хизмат турларида кузатилди.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг учдан бир қисмидан кўпроқ савдо хизматларини ташкил этди. 2018 йил январ-декабр ойларида унинг улуши 33,5 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, энг юқори улушларни транспорт хизматлари (23,1 %), молиявий хизматлар (11,3 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,1 %) эгаллайди.

2018 йил январь-декабрь ойларида
иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби



2018 йил январь-декабрь ойларида савдо хизматлари ҳажми 2337,0 млрд.сўмга тенг бўлди. Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши 33,5 % ни ташкил этди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан савдо хизматларининг ҳажми 411,6 млрд.сўмга ошди.

Аҳолининг даромадлари даражасининг ошиши билан истеъмол талаби ва савдо айланмаси ўсмоқда.

Савдо хизматлари таркибида автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар катта салмоққа эга. 2018 йил январь-декабрь ойларида унинг улуши 81,8 % ни ташкил этади.

Улгуржи савдо бўйича хизматларининг (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) улуши 12,9 % га етди.

Автомобиллар ва мотоцикларни таъмирлаш бўйича хизматларни қўшган ҳолда автомобиллар ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар умумий савдо хизматлари ҳажмида 5,3 % ни эгаллайди.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш фуқаролик жамиятида ва бозор иқтисодиётида юз берадиган жараёнларга ижобий таъсир кўрсатиш учун зарур.

Ҳаётнинг кўпгина соҳаларида АКТ жорий этилиши ва ривожланиши жамият, ҳукумат ва бизнес билан боғлиқ кўплаб ташқи ва ички жараёнларни соддалаштириш ва тезлаштирадиган муҳим элемент ҳисобланади.

2018 йил январь-декабрь ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажми 426,1 млрд. сўмни ташкил этди. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ўсиши 12,9 % ни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида телекоммуникация хизматлари (симли ва мобил алоқа хизматлари, интернет тармоғи, йўлдошли алоқа хизматлари ва бошқалар) катта қисмни эгаллаб, унинг улуши 97,1 % ни ташкил этади.

2018 йил январь-декабрь ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг таркиби, %

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига инвестицияларни кўпайтириш бутун дунёда рақамли ўзгаришни бошқаради ва кўплаб одамлар АКТ хизматлари, хусусан, мобил алоқа ва Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятини яратади.

Бугунги кунда, мобил алоқа хизматларидан кўпроқ аҳоли (жисмоний шахслар) фойдаланишади. Уларнинг улуши - 97,5% ни ташкил қилади. Мобил алоқа хизматларидан фойдаланишда юридик шахсларнинг улуши 2,5 % ни ташкил этади.

Мобил алоқа абонентлари таркиби, %



Валюта сиёсатини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлар кўрсатиш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар молиявий хизматлар ҳажмини ошишига таъсир кўрсатди.

2018 йил январь-декабрь ойларида молиявий хизматлар ҳажми 787,4 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати эса 127,3 % ни ташкил этди.

Молиявий хизматларнинг энг катта қисмини пул-кредит соҳасидаги воситачилик бўйича хизматлар (91,6%) ташкил этади.

2018 йил январь-декабрь ойларида молиявий хизматларнинг таркиби, %да

Бугунги кунда ўқув жараёнини сифатли ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида мактабларни замонавий автоматлаштирилган лаборатория ускуналари, компютер техникаси, дарсликлар ва янги авлод дарсликлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2018 йил январь-декабрь ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 227,8 млрд. сўмга тенг бўлди. Ўтган йилга нисбатан ўсиш 27,6 % ташкил этди.

Ушбу даврда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми 220,8 млрд. сўмга тенг бўлди. 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръатлари 106,4 % ни ташкил этди. Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг улуши 3,2 % га етди.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар таркиби, %да

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажмида озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизматлар 88,7 % улуш билан етакчилик қилмоқда. Яшаш бўйича хизматлар улуши 11,3 % га тўғри келади.

2017 йил январь-декабрь ойлари билан таққослаганда яшаш бўйича хизматлар улушининг кўпайиш омилларидан бири республикада туризм фаолиятни ривожлантириш ҳисобланади. Жаҳонга машҳур тарихий ёдгорликлар, замонавий шаҳарлар, Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, ноёб миллий таомлари, шунингдек, халқимизнинг бетакрор меҳмондўстлиги саёҳатчиларни ўзига жалб қилади.

2018 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръати, %



Юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Касби (101,1 %), Ғузор (101,3 %), Қарши (101,7 %) ва Шаҳрисабз (102,2 %) туманларида кузатилди.

Замонавий Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари миллий ва маҳаллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда республиканинг ҳар бир иқтисодий туман ва вилоятларининг барча ресурсларидан оқилона фойдаланишига боғлиқдир.

2018 йил январь-декабрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %



Ҳудудлар ўртасида хизматлар умумий ҳажмида энг катта улушни Қарши шаҳри (53,4 %), Косон (5,3 %), Шаҳрисабз (4,5 %), Китоб (4,3 %) ва Муборак (4,0 %) туманлари эгаллайди.

2018 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсаткичлар